

ISSN 2181-5291

PSIXOLOGIYA

ILMIY JURNAL

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

SCIENTIFIC JOURNAL

№ 4, 2022

www.psixologiyabuxdu.uz





The journal was registered with the certificate № 05-45 on February 25, 2011 at Bukhara Region Press and Information Administration of Uzbekistan Press and Information Agency

According to the resolution №201/3 as of December 26, 2013 of the Presidium of Supreme Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan the journal was included into the list of scientific journals in which scholarly articles on the scientific results of dissertations on Psychology must be published.

Address:

200117, Bukhara city,
K.Murtazoyev street, 11
Bukhara State University
Editorial and publishing
Department
Phone: +998 (97) 798-33-75

**The journal is published 4
times a year**

Website: www.psixologiyabuxdu.uz
E-mail:
nashriyot_buxdu@buxdu.uz

Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi Buxoro viloyat matbuot va axborot boshqarmasida 2011- yil 25-fevral № 05-45-sonli guvohnoma bilan ro'yxatga olingan.

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi OAK Rayosatining 2013-yil 26-dekabrdagi 201/3-sonli qarori bilan psixologiya fanlari bo'yicha dissertatsiya ishlari ilmiy natijalari yuzasidan ilmiy maqolalar chop etilishi lozim bo'lgan ilmiy jurnallar ro'yxatiga kiritilgan.

Tahririyat manzili:

200117, Buxoro shahri,
K.Murtazoyev ko'chasi, 11-uy
Buxoro davlat universiteti
"Tahririy nashriyot" bo'limi
Tel: +998 (97) 798-33-75

**Jurnal 1 yilda 4 marta
chiqadi.**

Website:
www.psixologiyabuxdu.uz
E-mail:
nashriyot_buxdu@buxdu.uz

*Журнал
зарегистрирован Бухарским
областным управлением
агентства печати и
информации Республики
Узбекистан. Свидетельство
№ 05-45
от 25.02.2011г.*

*Журнал включен в список
обязательных выпусков ВАК
при Кабинете Министров
Республики Узбекистан
на основании решения ВАК
№201/3 от 26 декабря 2013 года
для получения учёной степени
доктора психологических наук.*

Адрес:

город Бухара 200117,
улица М.Икбола, 11
Бухарский государственный
университет
Редакционный отдел
тел: +998 (97) 798-33-75

**Журнал выходит 4 раза в
год.**

Website:
www.psixologiyabuxdu.uz
E-mail:
nashriyot_buxdu@buxdu.uz



PSIXOLOGIYA

ILMIY JURNAL * НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

4-son 2022-yil. * Выпуск 4. 2022 год.

BOSH MUHARRIR – ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:

BAROTOV SH. R.

Psixologiya fanlari doktori, professor.

Xalqaro Psixologiya Fanlari Akademiyasining haqiqiy a'zosi (akademigi)

Действительный член (академик) Международной Академии
психологических наук

TAHRIR HAY'ATI – РЕДАКЦИОННАЯ

КОЛЛЕГИЯ:

XAMIDOV O.X.

Buxoro davlat universiteti rektori,
iqtisodiyot fanlari doktori, professor

SHOUMAROV G`.B.

Psixologiya fanlari doktori, professor
UMAROV B.M.

Psixologiya fanlari doktori, professor
KOZLOV V.V. (Rossiya)

Psixologiya fanlari doktori, professor
MALI'X S.B. (Rossiya)

Psixologiya fanlari doktori, professor
KOROBENNIKOV I.A. (Rossiya)

Psixologiya fanlari doktori, professor
KARIMOVA V.M.

Psixologiya fanlari doktori, professor
SAFOYEV N.S.

Psixologiya fanlari doktori, professor
BEKMURODOV M.B.

Sotsiologiya fanlari doktori, professor
KADIROV U.D.

Psixologiya fanlari doktori, professor
JABBOROV A.M.

Psixologiya fanlari doktori, professor
OLIMOV Sh.Sh.

Pedagogika fanlari doktori, professor
JUMAYEV R.G'.

Siyosiy fanlari fanlari bo'yicha falsafa
doktori (PhD), dotsent

NISHONOVA Z.T.

Psixologiya fanlari doktori, professor
NAZAROV A.M. Psixologiya fanlari
bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

IBODULLAYEV Z.R.

Tibbiyot fanlari doktori, professor

BEGMATOV A.S.

Falsafa fanlari doktori, professor

HUSEYNOVA A.A.

Falsafa fanlari doktori, professor

MUXAMEDOVA D.G.

Psixologiya fanlari doktori, professor

RUXIYEVA X.A.

Psixologiya fanlari nomzodi, professor

BAROTOVA D.SH.

Psixologiya fanlari doktori, dotsent

AKRAMOV V.R.

Tibbiyot fanlari doktori, dotsent

ZARIPOV G.T.

Texnika fanlari nomzodi, dotsent.

MUHARRIRLAR – РЕДАКТОРЫ:

Usmanova M.N. – psixol.fan.nom., dotsent

Muxtorov E.M. – psixol.fan.nom., dotsent

Raxmatova M.M. – filologiya fanlari

bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

Abzalova M.K. - filologiya fanlari doktori,
professor

Sobirova D.A. – psixologiya fanlari

bo'yicha falsafa doktori (PhD)

TEXNIK MUHARRIRLAR – TEX.

РЕДАКТОРЫ:

Ostanov Sh.Sh, Shirinova M.Sh.,

Tilavov M.H.

MAS'UL KOTIB – ОТВ. СЕКРЕТАРЬ

Sayfullayeva N.Z. – pedagogika fanlari

bo'yicha falsafa doktori (PhD)



PSYCHOLOGY

SCIENTIFIC JOURNAL

Issue 4: 2022

EDITOR-IN-CHIEF:
BAROTOV SH. R.

Doctor of Psychology, professor, the member (academician) of International Academy of Psychological Sciences

EDITORIAL BOARD:

XAMIDOV O.X.

Doctor of Economic Sciences, Professor,
The rector of Bukhara State University

SHOUMAROV G.B.

Doctor of Psychology, Professor
UMAROV B.M.

Doctor of Psychology, Professor
The assistant of the editor-in-chief

KOZLOV V.V. (Russia)

Doctor of Psychology, Professor

MALIKH S.B. (Russia)

Doctor of Psychology, Professor

KOROBAYNIKOV I.A. (Russia)

Doctor of Psychology, Professor

KARIMOVA V.M.

Doctor of Psychology, Professor

SAFOEV N.S.

Doctor of Psychology, Professor

BEKMURODOV M.B.

Doctor of Sociology, Professor

KADIROV U.D.

Doctor of Psychology, Professor

JABBOROV A.M.

Doctor of Psychology, Professor

OLIMOV Sh.Sh.

Doctor of Pedagogical sciences,
Professor

JUMAEV R.G.

PhD in Political Sciences, Docent

NISHONOVA Z.T.

Doctor of Psychology, Professor

NAZAROV A.M.

PhD of Psychology

IBODULLAEV Z.R.

Doctor of Medical Sciences, Professor

BEGMATOV A.S.

Doctor of Philosophy, Professor

HUSEYNOVA A.A.

Doctor of Philosophy, Professor

MUXAMEDOVA D.G.

Doctor of Psychology, Professor

RUXIYEVA X.A.

Candidate of Psychology, Professor

BAROTOVA D.SH.

Doctor of Psychology, Docent

AKRAMOV V.R.

Doctor of Medical Sciences, Docent

ZARIPOV G.T.

Candidate of technical sciences, Docent

EDITORS:

Usmanova M.N. – Candidate of
Psychology, Docent

Mukhtorov E.M. – Candidate of
Psychology, Docent

Raxmatova M.M. – Doctor of
Philosophy in Philological Sciences

(PhD), Docent

Abzalova M.K. – Doctor of Philological,
Professor

Sobirova D.A. PhD of Psychology


TECHNICAL EDITORS:

Ostanov Sh.Sh, Shirinova M.Sh.,

Tilavov M.Kh.

EXECUTIVE SECRETARY

Sayfullaeva N.Z. – Doctor of Philosophy
in Pedagogical Sciences (PhD)



Adabiyotlar:

1. Karimov I.A "Barkamol avlod Ozbekiston taraqqiyotining poydevori". –T.: "Sharq" – 1997. -63 b.
2. Dyui D. "Psixologiya va pedagogika mishleniya. - ...: Sovershenstvo 1998. -208 s
3. Nishonova Z.T. Mustaqil fikrlashni o'rgatish bo'yicha trening\Xalq ta'limi 2000,16 b.
4. Foziyev E.F Tafakkur psixologiyasi. –T.: O'qituvchi -1990. -183 b.
5. Абдурасулов, Р., & Ташпулатова, Н. (2019). Философские и психологические особенности занятий восточными единоборствами в процессе формирования личности. *Человеческий фактор: Социальный психолог*, (1), 7-11.
6. Toshpo'latova, N. (2021). CHET TILI FANLARINI O'QITISHDA O'QUVCHINING INDIVIDUAL PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARINI HISOBGA OLISH USULLARI. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, (2).
7. Toshpo'latova, N. (2021). ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ РАЎБАРИНИНГ МУЛОҚОТИ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛИ СИФАТИДА. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, (3).
8. Toshpo'latova, N. (2022). ЎСМИРЛИК ДАВРИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ЁНДОШУВНИНГ АҲАМИЯТИ. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 2(3).
9. Toshpo'latova, N. (2022). ЎСМИРЛАРДА САЛБИЙ ХУЛҚ АТВОРЛАРНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ САБАБЛАРИ ВА УНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ИМКОНИЯТЛАРИ. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 2(3).
10. Toshpo'latova, N. (2022). OILADA MA'NAVIY TARBIYANI SHAKLLANTIRISHDA OTA-ONALARNING VAZIFALARI. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 2(5).
11. Toshpo'Latova, Nodira Xudjamurodovna (2022). O'QUVCHILAR TAFAKKUR XUSUSIYATLARINI SHAKLLANTIRISHDA INTERFAOL USULLARNING O'RNI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (2), 701-706.
12. Toshpo'latova, N. (2021). YOSH AVLODNI TARBIYALASHDA–O'QUVCHILAR RUHIYATINI HISOBGA OLISH. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, (1).



Ҳакимова Фазолат Хошимовна
Бухоро давлат университети,
психология ва социология кафедраси ўқитувчиси

ШАРҚ МУТАФФАКИРЛАРИНИНГ ОИЛА ВА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ БОРАСИДАГИ ҒОЯЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада оила ва оилавий муносабатлар, оилавий турмуш ва ундаги шахслараро муносабатлар маданияти тўғрисида шарқ мутаффакирларининг оқилона қараишлари, халқ оғзаки ижоди ва диний манбалардан ғоялар ва қадимги халқлардан қолган асори ақиқаларда, муқаддас диний манбаларда, ўзбек халқининг оғзаки ижодий дурдоналарида, шарқнинг буюк мутаффакирлари асарларида шарқ халқлари, хусусан ўзбек халқиға хос оилавий шахслараро муносабатларда намоён бўладиган одоб-ахлоқ қоидалари, меъёрлари, инсоний фазилатлар ифодаси тўғрисида қимматли маълумотларни келтирилган.

Калит сўзлар: оилавий муносабатлар, халқ оғзаки ижоди, диний манбалар, фарзанд камолоти, эркак билан аёл муносабати, инсон камолоти, инсоний фазилатлар, соғлом турмуш тарзи, оиланикоҳ, бола тарбияси, ҳамжиҳатлик, миллий психологик хусусиятлари, эр-хотиннинг бурчи ва вазифалари, оиланинг турмуш тарзи ва тарбиявий муҳити

ИДЕИ ВОСТОЧНЫХ МЫСЛИТЕЛЕЙ О СЕМЬЕ И УКРЕПЛЕНИЮ СЕМЕЙНЫХ ОТНОШЕНИЙ

Аннотация. В данной статье рациональные взгляды восточных мыслителей на семью и семейные отношения, семейную жизнь и культуру межличностных отношений в ней, идеи народного устного творчества и религиозных источников, а также произведения древних народов в акиках, сакральных религиозных источниках, устных творческие шедевры узбекского народа, произведения великих мыслителей востока, народов востока, в частности, ценные сведения о правилах этикета, нормах и выражении человеческих качеств, свойственных узбекскому народу в семье межличностные отношения.

Ключевые слова: семейные отношения, фольклор, религиозные источники, развитие ребенка, отношения мужчины и женщины, развитие человека, человеческие качества, здоровый образ жизни, семья-брак, воспитание ребенка, гармония, национальные психологические особенности, обязанности и ответственность супругов, образ жизни семьи и образовательная среда

IDEAS OF EASTERN THINKERS ABOUT FAMILY AND STRENGTHENING FAMILY RELATIONS

Abstract: In this article, the rational views of eastern thinkers about family and family relations, family life and the culture of interpersonal relations in it, ideas from folk oral creativity and religious sources, and the works of ancient peoples in aqiqas, sacred religious sources, oral creative masterpieces of the Uzbek people, the works of great thinkers of the east, the peoples of the east, in particular, valuable information about the rules of etiquette, standards, and the expression of human qualities that are characteristic of the Uzbek people in family interpersonal relations.

Key words: family relations, folklore, religious sources, child development, male-female relationship, human development, human qualities, healthy lifestyle, family-marriage, child education, harmony, national psychological characteristics, duties and responsibilities of the couple, family lifestyle and educational environment.

Бугунги кунда мамлакатимизда оила ва оилавий муносабатларни қадрият сифатида улуғлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва ривожлантириш, оилавий ажримларнинг олдини олиш ва никоҳни мустаҳкамлаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, давлатимизда айнан оила институтини ривожлантиришга қаратилган меъёрий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини

мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон Фармони бу борада фикримизни тўла исботи ҳисобланади.

Шу ўринда шуни таъкидлаш зарурки, оилавий муносабатларни қадрлаш халқимизга хос бўлган алоҳида хусусиятлардан бири ҳисобланади. Тарихий маълумотларнинг гувоҳлик беришича, оилавий муносабатлар маданияти шарқ халқларида жуда қадимдан ривожланган ижтимоий воқелик эканлигини кўрсатади. Қадимги халқлардан қолган асори ақиқаларда, муқаддас диний манбаларда, ўзбек халқининг оғзаки ижодий дурдоналарида, шарқнинг буюк мутафаккирлари асарларида шарқ халқлари, хусусан ўзбек халқига хос оилавий шахслараро муносабатларда намоён бўладиган одоб-ахлоқ қоидалари, меъёрлари, инсоний фазилатлар ифодаси тўғрисида қимматли маълумотларни учратиш мумкин. Манбаларда оиласиз инсоний ҳаётни тасаввур қилиб бўлмаслик, баркамол фарзанд тарбияси, ундаги эр-хотин ва ўзаро муносабатлар маданияти, бахтли ва фаровон турмуш кечириш йўллари, ҳаётини мисоллар ёрдами билан ҳикматлар ва насиҳатлар кўринишида баён этилган. Дарҳақиқат, Шарқнинг буюк алломалари ва маърифатпарварлари ҳисобланган Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Кайковус, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Хусайн Воиз Кошифий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Ризоуддин ибн Фаҳруддин, Аҳмад Дониш, Абдулла Авлоний, Фитрат ва бошқаларнинг асарларида Марказий осийёда яшаб келаётган халқлар, жумладан, ўзбек халқининг оилавий ҳаёти, ундаги ўзаро муносабатларнинг (айниқса эр-хотин) миллий психологик хусусиятлари, эр-хотиннинг бурч ва вазифалари, оиланинг турмуш тарзи ва тарбиявий муҳити ва бошқалар ҳақида қимматли фикрлар мавжуд.

Оилавий турмуш ва ундаги шахслараро муносабатлар маданиятига хос масалалар буюк муҳаддис алломалар Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий, Ат-Термизий ижодларида ҳамда тасаввуф фалсафасининг йирик намояндалари бўлмиш Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро тариқатларида ҳам кенг ёритилгандир.

Шарқ мутафаккирларининг илмий-маданий меросини ўрганар эканмиз, уларда баён қилинган оилавий турмуш қоидалари, ундаги шахслараро муносабатлар маданияти, фарзанд камолоти, эркак билан аёл муносабати, инсоний фазилатларнинг шаклланиши ҳақидаги қимматли фикрлар шарқ халқлари, хусусан, ўзбек халқининг оғзаки ижоди, эпосининг (ўзбек халқ мақоллари, эртақлари, дostonлари, афсоналари, ривоятлари) узвийлиги асосида таркиб топган илмий-маданий мерос эканлигини кўрамиз.

Оилани кичик бир мамлакат десак, оиладаги ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги меҳр-муҳаббат ва ўзаро самимий муносабатлар фарзандлар қалбида муқаддас Ватанимиз Ўзбекистонга бўлган меҳр-муҳаббат ва ўзаро самимий муносабатларнинг янада кучайишига, юртимизнинг фаровонлиги ва унинг мустаҳкамлиги, тинчлиги ва осойишталигига асос бўлади.

Халқ оғзаки ижоди ва диний ғоялар ҳамда ҳикматномалар оғзаки тарзда авлоддан-авлодга кўчиб сайқаллашган ҳолда сақланиб келган бўлса, халқимиз орасидан етишиб чиққан донишманд ва алломалар эса ана шундай қимматли маълумотларни халқ анъаналари ва қадриятларига таянган ҳолда ўз асарларида ёритган ҳолда илмий-маданий мерос сифатида келгуси авлодлар учун қолдирганлар. Улардан бири - жаҳон илм-фани ҳазинасига муносиб ҳисса қўшган мутафаккир олим Абу Наср Форобийдир.

Абу Наср Форобий (873-950) жамият тараққиёти қонуниятларини ва инсон камолоти босқичларини, инсонлар яшаш жараёнида бахт-саодатга эришув йўллариини ўзининг машҳур асари "Фозил одамлар шахри"да баён этади.

Форобий кераксиз урф-одатлардан (ҳозир ҳам оилавий ҳаётда, эр-хотин муносабатларида учрайди) воз кечиш, бахт саодатга эришиш йўллари ҳақида гапириб шундай дейди: Раҳбарлар (эр ёки хотин) "ёмон одатларни ўзида ифодаловчи ўтмишни ҳам ўзгартирмоғи керак. Акс ҳолда ўтмишни талабларига риоя этиб, унинг кайфияти сақланса, турмушда ҳеч қандай енгилик, ўзгариш ва ўсиш ҳам бўлмайди". Ёки "Бахт саодатга эришув йўлида нимаики (билим, ахлоқ, касб-хунар) ёрдам берса, уни сақламоқ, мустаҳкамламоқ нимаики зарарли бўлса, уни фойдали нарсага айлантиришга ҳаракат қилмоқ зарур".

Форобийнинг инсон камолоти, унинг жамиятдаги, оиладаги ўрни, ёшларнинг вояга етишига таъсири тўғрисидаги фикрлари, инсонлар жамоасидаги ўзаро ҳамжихатлик, ёрдам ҳақидаги ҳикматлари ҳозирги оилавий турмуш масалаларини ечишда, ундаги муносабатларни тўғри йўлга қўйишда фаровон турмуш кечириш учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Шарқ мутафаккирларидан Абу Райҳон Беруний (973-1048) ўз ижтимоий қарашларини акс эттирган яхлит ижтимоий таълимот яратмаган бўлса-да, лекин у ижтимоий масалалар бўйича ўзининг нуқтаи назарини кўпгина қомусий асарларида изҳор этишга ёки улар юзасидан танқидий фикрлар

айтишга ҳаракат қилган. Абу Райҳон Берунийнинг муайян қарашлари оилавий турмуш, оила ва никоҳ, оилавий қадриятлар ва унинг аъзолари ўртасидаги муносабатларига хосдир.

Беруний ўрта Осиё, Қадимги Юнон ва Ҳинд халқлари ҳаётини яхши билгани учун улар амал қиладиган урф-одатлар, қадриятлар ва миллий маданиятларининг ўзига хос томонларини таққослаб таҳлил қилади. Ушбу таҳлиллар оила-никоҳ, оиладаги ўзаро муносабатларга ҳам хосдир. Жумладан, у оилаларнинг "полигамия" (эркак ёки аёл бир пайтнинг ўзида биттадан ортиқ эр ёки хотинга эга бўлишига йўл қўйиладиган никоҳ шаклини билдиради) тури ҳақида ҳам қимматли маълумотларни келтиради. Масалан, Жанубий Ҳиндистон маданиятида туд эркаклари биологик нуқтаи назардан оталикни ўрнатиш билан қизиқмаганлар. Уларда болага оталик расмини амалга ошириш чоғида ўқли камонни ҳомиладор аёлга тантанали суратда берган эркак боланинг отаси ҳисобланган. Агар кейинчалик бошқа бир эркак болага оталик қилишни хоҳлаб қолса, бу расм аёлнинг навбатдаги ҳомиладорлигида такрорланган. Бу маълумотлар изланувчиларда ижтимоий тарихий тараққиёт давомида оилавий турмушнинг такомиллашуви, оила-никоҳ муносабатларининг барқарорлашуви ва моногамия оила турининг келиб чиқиши тарихи ҳақида илмий тасаввурлар шаклланишига ёрдам беради.

Оилавий муносабатлар борасида қимматли фикрлар шарқ мутафаккирларидан Ибн Сино асарларида ҳам келтирилади. Абу Али Ибн Синонинг (980-1037) "Донишнома", "Рисолаи ишқ", "Тиб қонунлари", "Уй хўжалиги" каби қатор асарлари Марказий Осиё халқлари ахлоқ-одоби, тарбия психологияси, фалсафа ва табобат оламида алоҳида ўрин тутди. Ибн Сино оилавий муносабатларнинг турли ва муҳим томонларини ёритар экан, аввало оила бошлиғи эрнинг олдидаги масъулиятли вазифаларга эътиборини қаратади. Унинг фикрича, биринчи навбатда эр оиладаги тарбиявий ишларга доир ҳам назарий, ҳам амалий маълумотларга эга бўлиши шарт. Шундагина, у ҳақиқий оила бошлиғи бўла олади. Эр-хотин муносабати тенглик ҳамжиҳатлик ва ўзаро ҳурмат асосида қурилиши ҳақида тўхталиб, "Эркак киши оила бошлиғидир, у оиланинг барча эҳтиёжларини қондирмоғи лозим, чунки бу унинг бирламчи вазифасидир. Аёл эса эркакни яхши, муносиб йўлдоши ва бола тарбияси борасида энг яхши ворис ва ёрдамчисидир" деб ёзади Ибн Сино.

Ибн Сино оилавий муносабатлар мароми оиладаги тинч тотувлик, меҳр-мурувват, оила ғурури ва шаъни кўп жиҳатдан аёлларга ҳам боғлиқ эканлиги ҳақида кўп ёзган. Жумладан, "Оила хўжалиги" асарида аёллар ахлоқан энг мақбул, юқори инсоний фазилатларга эга бўлмоқлари лозим, деб ёзади.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан оиланинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш, унинг ҳуқуқий асосларини яратиш энг муҳим вазифалар сифатида белгиланди. Ўзига хос миллий давлатчилик тарихимиз, халқимизнинг азалий қадрият ва анъаналари эътиборга олиниб, Конституциямизга "Оила" боби киритилди. Бош Қомусимизнинг мазкур бобида оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эгаллиги мустаҳкамлаб қўйилган. Шунингдек, унда никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланиши, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялаш, ўз навбатида вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурликлари, фарзандлар, ота-оналарининг насл-насаби ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши ўз ифодасини топган.

Кейинги вақтда оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди, оила манфаатларини, оналик ва болалик ҳуқуқини қонуний жиҳатдан янада муҳофаза қилиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Оила соғлигини сақлаш ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Бундан ташқари Оила Кодекси, Меҳнат Кодекси, Фуқаролик Кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида ҳам оилавий муносабатларни тартибга солиш назарда тутилган. Оила иши шу оила аъзоларининг шахсий иши деб, уларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш бизнинг давлат ва жамиятимизга ёд тушунчадир. Айниқса, бозор механизмларини жорий этиш билан биргаликда серфарзанд, кам таъминланган оилаларга, болаларга, болали ёлғиз аёлларга давлат ва жамоат ўз ёрдамини кўрсатиб келмоқда.

Яқинда қабул қилинган "Мустаҳкам оила йили" давлат дастурида: "жамиятимизнинг маънавий негизларини янада ривожлантириш, азалий миллий қадриятларни асраб – авайлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятимизда юксак маънавий муҳитни кенг қарор топтириш, миллий менталитетимизга мутлақо ёд бўлган ва кучайиб бораётган турли хил зарарли таъсирларга қарши туришда оилани ўрни ва аҳамиятини ошириш;

Жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни

тарбиялашда оилани ролини кучайтириш ва шу мақсадда оила институтининг таълим ҳамда тарбия муассасалари билан ўзаро амалий ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг яқин ва самарали ҳамкорлигини таъминлаш" каби вазифалар жуда ўринли кўрсатиб ўтилган.

Демак, оилавий барқарор муносабатларни мустаҳкамлашда миллий хусусиятларимиз акс этган манбаалар ва анъналаримизни асраб-авайлаш, ёшларга, айниқса, турмуш қуриш оstonасида турган йигит ва қизларга тарғиб қилиш, уларда этнопсихологик хусусиятларни ривожлантиришга, оилани қадрият сифатида қабул қилишга олиб боради. Ёши улуг кексаларимизнинг берган насиҳатлари, юксак инсоний фазилатларини, етук маънавий – ахлоқий оламини, эзгу ниятда қилган дуоларини улуғлашимиз, ўрганишимиз лозим. Бундай хусусиятлар ёшлар учун ибрат бўла олади. Булар эса ўз навбатида қадриятлар мактаби бўлмиш оила институтини асраш ва оилавий муносабатларни мустаҳкамлашга, ажримларни олдини олишга хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Hakimova Fazolat Khoshimovna [Психические и эмоциональные состояния у детей](#) вестник 23 (79), 358-361.
2. Hakimova Fazolat Khoshimovna [Психология: происхождение и структура научного факта](#) вестник интегративной психологии 19 (2), 115-119.
3. Hakimova Fazolat Khoshimovna [Мактабгача ёшдаги болаларнинг ижтимоий психологик мослашув шаклланишида психокоррекция методларнинг ўрни](#). Психология илмий журналы 4 (5), 128-130.
4. Hakimova Fazolat Khoshimovna [Мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болаларда мослаша олмасликнинг турли қурилишларини психологик хусусиятлари](#). "Тафаккур ва талқин" 5 (2), 776-779.
5. Hakimova Fazolat Khoshimovna [Бола шахсининг шаклланишида оиланинг ўрни](#) "Тафаккур ва талқин" 3 (2), 452-455.
6. Hakimova Fazolat Khoshimovna [Мослаша олмаслик хусусиятларининг мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болаларда турли психологик қурилишлари](#) психология 4 (21), 89-91.
7. Makhliyo Abdurahimovna A'zamova, Fazolat Khoshimovna Hakimova, Shoxrux Fayzullo o'g'li Sirojov. [Life strategies of modern youth](#) "Science and education" scientific journal / issn 2181-0842.

	Deviant behavior correction	
	Акрамов Абдумалик Абдумуталович	50
9	Таълим жараёнига инновацияларни жорий қилиш стратегиялари ва раҳбарнинг роли	
	Стратегии внедрения инноваций в образовательный процесс и роль лидера	
	Strategies for introducing innovations in the educational process and the role of the leader	
	Атабаева Нарзис Батировна	55
10	Альтруизм феноменинг психологик талқини	
	Психологическая интерпретация феномена альтризма	
	Psychological interpretation of altruism phenomeno	
	Olimov Laziz Yarashovich	63
11	Sud psixolog eksperti ijtimoiy-psixologik kompetentligi va huquqiy bilimdonligini rivojlantirish omillari	
	Факторы развития социально-психологической компетентности и правовых знаний судебного психолога-эксперта	
	Development factors of social-psychological competence and legal knowledge of forensic psychologist expert	
	Каршибоева Гулноза Абдукадыровна	69
12	Социально - психологическое влияние на личность подростка	
	Socio - psychological impact on the personality of a teenager	
	O'smir shaxsiga o'tkazilsdigan ijtimoiy-psixologik ta'sir	
	Бахриева Наргиза Ахмадовна	73
13	Мактабгача ёшдаги болаларни ижтимоий-ҳиссий ривожлантиришнинг психологик жиҳатлари тадқиқи	
	Изучение психологических аспектов социально-эмоционального развития детей дошкольного возраста	
	Study of psychological aspects of social-emotional development of preschool children	
	Гайбуллаев Алишер Асадович	78
14	Психологические факторы ролевого поведения подростков в ситуации буллинга	
	Буллинг ҳолатларида ўсмирлар ҳуқ-атворининг психологик хусусиятлари	
	Psychological factors of role behavior of adolescents in a situation of bullying	
	Ганжиев Феруз Фурқатович	83
15	Мактабгача таълим ташкилоты тарбиячилари ижтимоий-психологик компетентлигини тадқиқ қилиш усули	
	Методика исследования социально-психологической компетентности учителей школьной образовательной организации	
	The method of researching social-psychological competence of teachers of school education organization	
	Жумаев Нодир Зайниддинович	89
16	Педагогическая агрессия как профессионально обусловленная деформация учителя	
	Педагогик агрессия ўқитувчининг касб билан шартланган деформация сифатида	
	Pedagogical aggression as a professionally caused deformation of a teacher	
	Жуманиёзова Насиба Раматиллаевна	93
17	Аутизм синдромли болалар ота-оналарининг копинг стратегиялари психологик тавсифи	
	Психологическое описание копинг стратегий родителей для детей с синдромом аутизма	
	Psychological description of parents' coping strategies for children with autism	
	Жўраева Соҳибжамол Норқобиловна, Нормуродова Нафиса Бахриддиновна	97



18	Саломатлик ва соғлом психологик ҳаёт	
	Здоровье и здоровая психологическая жизнь	
	Health and healthy psychological life	
19	Имомқулова Фотима Улугбековна	103
	Оилада шахслараро муносабатнинг болалар ўз-ўзини англашига таъсири	
	Влияние межличностных отношений в семье на самосознание детей	
	Influence of interpersonal relations in the family on children's self-consciousness	
20	Исмамова Дилафруз Тўймуратовна	107
	Научно-практические основы эмоционального выгорания подростков в семейных отношениях	
	Oilaviy munosabatlarda o'smirlarning emotsional kuyishini ilmiy-amaliy asoslari	
	Scientific and practical bases of emotional burnout of adolescents in family relations	
21	Усмонов Шерзод Ахмаджонович	111
	Талабалардаги ақлий қобилиятлар касбий муваффақиятнинг асоси сифатида	
	Умственные способности студентов как основа его профессионального успеха	
	The mental abilities of students as the basis of his professional success	
22	Холмуродова Шохиста	116
	Девиант хулқ-атворнинг социологик ва психологик тадқиқи	
	Социологическое и психологическое исследование девиантного поведения	
	Sotsiologicheskoye i psikhologicheskoye issledovaniye deviantnogo povedeniya	
23	Umarova Navbahor Shokirovna	120
	Aholi iqtisodiy ijtimoiylashganligining motivatsion-qadriyatli tuzilmasi: hududiy va gender tahlil	
	Мотивационно-ценностная структура экономической социализации населения: территориальный и гендерный анализ	
	Motivational-value structure of the economic socialization of the population: territorial and gender analysis	
24	Рўзиев Умар Музафарович	125
	Ўспиринларда ижтимоий фобия ривожланиши билан боғлиқ ҳолатларнинг диагностикаси ва психокоррекцияси	
	Диагностика и психокоррекция состояний, связанных с развитием социальных фобий у подростков	
	Diagnostics and psychocorrection of conditions related to the development of social phobias in adolescents	
25	Касимова Сарвиноз Бахтиёрвна	132
	Развитие системы психологической защиты от манипулятивных воздействий в юношеском возрасте	
	O'smirlik davrida manipulyativ ta'sirlardan psixologik himoya tizimini rivojlantirish	
	Development of the system of psychological protection against manipulative influences in youthful age	
26	Қамбаров Мирзобобур Баҳодир ўғли, Элов Зиёдулло Сатторович	137
	Амир Темур давлатида тезкор қидирув фаолияти жараёни ва унинг ижтимоий-психологик хусусиятлари	
	Процесс оперативно-поисковой деятельности и его социально-психологическая характеристика в государстве Амира Темура	
	The process of quick search activity and its social-psychological characteristics in the state of Amir Temur	
27	Мўминов Давронжон, Ражабов Муродил	140
	Шахслараро муносабатларда психологик таъсир усуллари таҳлили	
	Анализ методов психологического воздействия в межличностных отношениях	
	Analysis of methods of psychological influence in interpersonal relationships	

28	<i>Nazarova Dilnoza G'ulomovna</i>	145
	Ona tili ta'limida pragmatik qiymatli topshiriqlardan foydalanish – samaradorlik omili	
	Использование прагматических задач в образовании родного языка - фактор эффективности	
	The use of pragmatic tasks in education of the native language - the factor of efficiency	
29	<i>Назарова Зилола Хайруллаевна</i>	150
	Бокс спорт турини кизларнинг мотивацион ҳолатига таъсири	
	Влияние занятий боксом на мотивационное состояние девушек	
	The influence of boxing sports on the motivation state of girls	
30	<i>Байқунусова Гулмира Юлдибаевна</i>	155
	Ҳасад ижтимоий ҳодиса сифатида экспериментал тадқиқ этишили	
	Экспериментальное исследование зависти как социального феномена	
	Experimental study of jealousy as a social phenomenon	
31	<i>Пўлатова Назира, Эргашева Мухлиса Фарход қизи</i>	160
	Оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг ижтимоий-психологик масалалари	
	Социально-психологические задачи формирования здорового образа жизни в семье	
	Socio-psychological tasks of forming a healthy lifestyle in the family	
32	<i>Ражабов Муродил, Ражабова Хурида</i>	165
	Шахслараро муносабатларда мулоқотнинг макиавелистик усули ва уни психологик тадқиқ этиш	
	Макиавеллистский метод коммуникации в межличностных отношениях и его психологическое исследование	
	Machiavellian method of communication in interpersonal relationships and its psychological study	
33	<i>Tashpulatova Nodira Xudjamuradovna</i>	172
	O'smir yoshdagi o'quvchilar bilan ishlashda mustaqil va ijodiy tafakkurning o'ziga xos xususiyatlari bilan ishlash	
	Работа с школьниками-подростками с особенностью самостоятельного и творческого мышления	
	Working with teenage students with specific characteristics of independent and creative thinking	
34	<i>Ҳакимова Фазолат Хошимовна</i>	176
	Шарқ мутаффаққирларининг оила ва оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш борасидаги ғоялари	
	Идеи восточных мыслителей о семье и укреплению семейных отношений	
	Ideas of eastern thinkers about family and strengthening family relations	
35	<i>Axmedov Anvar Diyor o'g'li</i>	180
	Globallashuv jaryonida o'smirlarda deviant xulq-atvor ko'rinishlari shakllanishida internet va ijtimoiy tarmoqlarning ta'siri	
	Влияние интернета и социальных сетей на формирование девиантного поведения подростков в условиях глобализации	
	The influence of the internet and social networks on the formation of deviant behavior in adolescents during globalization	
36	<i>Do'sanov Elbek Abdusamatovich</i>	184
	O'smirlarni virtaul olam ta'sirlaridan asrash, ularda internetga tobelik va uni bartaraf etishda xorij va o'zbek olimlarining qarashlari	
	Ideas of foreign and uzbek scientists on protecting teenagers from the effects of the virtual world, internet dependence in them and its elimination	
	Идеи зарубежных и узбекских ученых о защите подростков от воздействия виртуального мира, зависимости у них интернета и ее устранения	



Bizning yangilangan saytimizga tashrif buyuring
PSIXOLOGIYA.BUXDU.UZ

Saytimizda maqolalarni o'qishingiz va ularni elektron nusxasini yuklab olishingiz mumkin



PSIXOLOGIYA ilmiy jurnal 4-son (52) Buxoro – 2022. 191 b. PSIXOLOGIYA научный журнал. Выпуск 4. (52) Бухара – 2022. – 191 с.	Jurnal O'zbekiston psixologlarining BuxDU muassisligidagi nashri hisoblanadi. Jurnalning nashr sifati uchun bosmaxona javobgar. OBUNA INDEKSI 3062	Jurnal tahririyat kompyuterida sahifalandi. Bosishga ruxsat etildi Qog'oz bichimi 60x84, 1/8 Tezkor bosma usulda bosildi. Shatrlı bosma tabog'i - 28 Buyurtma №123. Adadi – 50 Bahosi kelishilgan narxda. “Sharq Buxoro” MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Bosmaxona manzili: Buxoro sh. M. Iqbol, 11-uy.
--	--	---

*Jurnal O'zbekiston Respublikasi
Vazirlar Mahkamasi huzuridagi OAK
Rayosatining 2013-yil 26-dekabrdagi
201/3-sonli qarori bilan psixologiya
fanlari bo'yicha dissertatsiya ishlari
ilmiy natijalari yuzasidan ilmiy
maqolalar chop etilishi lozim bo'lgan
ilmiy jurnallar ro'yxatiga kiritilgan.*

